

Таблица 2.

**Продуктивность маток разных этологических типов
(на примере ш/х им. «Истиклол»)**

Этологические типы маток								
Суягные			Подсосные			Холостые		
1	2	3	1	2	3	1	2	3
Живая масса, кг								
35-38	34-36	32-35	44-38	42-37	40-36	39-42	37-40	36-39
Живая масса приплода, кг								
3,9-4,4	3,6-3,9	3,3-3,6	-	-	-	-	-	-
Молочность маток, л/сут								
-	-	-	0,925- 1,320	0,850- 1,235	0,815- 1,140	-	-	-
Годовой настриг шерсти, г/гол								
-	-	-	-	-	-	1385	1335	1285
Выход ягнят на 100 осемененных маток								
104-08	100-103	96-100						
Качество приплода, %								
Элита								
30,4-32,9	21,0-24,6	21,8-20,0	-	-	-	-	-	-
1 класс								
56,3-57,1	48,7-60,0	42,4-46,7	-	-	-	-	-	-
Элита+1 класс								
82,7-90,0	81,0-73,3	66,7-64,2	-	-	-	-	-	-
2 класс								
13,3-10,0	26,7-15,0	30,8-33,3	-	-	-	-	-	-
Брак								
-	-	5,0	-	-	-	-	-	-

На протяжении всего периода исследования и учета многих показателей продуктивности животных наблюдалась чёткая неоднозначность в абсолютных их величинах у овец разных типов поведения. Приведённые результаты позволяют констатировать, что по живой массе, молочности, настригам шерсти, выходу ягнят и качеству приплода животные 1 и 2 поведенческих типов заметно превосходили таковых овец 3 типа поведения.

УЎК:619.616.989.2.75

**ҚОРАҚҰЛ ҚҰЙЛАРИНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ,
ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАҚИДА**

Элмуродов Б.А., Наврузов Н., Шералиева И., Султонова И.
Научно-исследовательский институт ветеринарии

Summary

The article presents data that naturally occurring diseases among the lambs as pasteurellosis, salmonellosis, colibacillosis and diplokokkoz which proceed with severe and complex clinical manifestations of pathological changes. The features of the diagnosis, treatment and prevention of bacterial infections that occur in the farms of the republic.

Keywords: pasteurellosis, salmonellosis, colibacillosis, diplokokkoz vaccine, treatment, patomorfologija.

Мамлакатимиз аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда чорва молларини турли касалликлардан ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ветеринария тадбирларини ўтказиш катта роль ўйнайди.

Ёш моллар юқумли касалликлари чорвачилик учун энг катта хавф булиб ҳисобланади. Ёш ҳайвонлар орасида содир бўладиган юқумли касалликлардан пастереллёз,

колибактериоз, сальмонеллёз ва диплококкоз жуда катта иктисодий зарар келтириши чорвачиликда муҳим муаммо бўлиб, келмоқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг Қорақалпоқистон Республикаси туман хўжаликларида, Навоийи вилоят хўжаликларида ва Жиззах вилояти туман хўжаликларида мазкур касалликлар учраб турибди. Мазкур соҳани тараққиёти учун қишлоқ хўжалиқ ҳайвонлари орасида учраб турадиган юқумли касалликлар билан самарали курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самаралироқларини яратиш ва татбиқ этиш лозимдир.

Қўзилар **колибактериози** жуда ўткир ва ярим ўткир оқимларда ўтади ва ёшга қараб турлича бўлади. Қўзиларнинг бир ойгача бўлган ёшида иштаҳасининг пасайиши, баъзан ҳароратининг $40-41^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши, пульснинг 120 тага, нафас олишнинг 35-40 тага етиши билан ифодаланади. Касалликнинг биринчи белгиларидан кейин 3-6 кунда ҳайвон ҳалок бўлади. 3-8 ойлик қўзиларда касаллик ўткир оқимда ўтади, уларда иштаҳа йўқолади, ҳарорат $41-42^{\circ}$, пульс 160 етади, нафас олиш тезлашиб, томоқ хириллаши бошланади. Бурундан сероз-фибриноз суюқлик оқади, умумий ҳолсизланиши оқибатида ҳайвон ҳалок бўлади.

Патоморфологик ўзгаришлар. Ўлган ва мажбурий сўйилган қўзиларнинг гавдасини ёрганда патологоанатомик ўзгаришлари касалликнинг муддатига, организмнинг иммунологик ҳолатига ва бошқаларга боғлиқдир. 3-8 ойлик қўзиларда касаллик жуда ўткир ўтганда ўзгаришлар унча характерли бўлмайди, органларда қон турғунлиги, яқка ярим қон қуйилишлар кўринади, кўпинча гавда шишган, оғиздан, бурнидан кўпикли суюқлик оқади, кўз соккаси бўртиб чиқади, шиллик пардалари кескин гиперемиялашган бўлади.

Ташхис. Колибактериозга қарши фойдали чораларни кечиктирмасдан ишлаб чиқиш ва қўллаш учун ўз вақтида, тўғри диагноз қўйиш катта аҳамиятга эгадир. Диагноз комплекс равишда клинικο-анатомик, эпизоотологик маълумотларга, серологик ва бактериологик текширишлар натижаларига асосланиб қўйилади.

Пастереллёз (Pasteurellosis, геморрагик септицемия) ҳайвонлар ўта ўткир, ўткир, ярим ўткир, сурункали шаклларда кечувчи юқумли касаллиги бўлиб, кузгатувчиси *Pasteurella* турига кирувчи бактериялардир (*P. multocida*, *P. haemolytica*).

Пастереллёз касаллиги баҳор ва ёз ойларида кенг ривожланади. Бунга иқлимнинг кескин ўзгаришлари ҳамда турли стресслар каби омиллар қўшимча сабаб бўлади.

Қўйлар пастереллёзининг (геморрагик септицемия) жуда ўткир (шиш шакли) ва ўткир (кўкрак шакли) оқимлари учрайди. Шишлар терида, жағ ости, бўйиннинг пастки қисми, кўкрак тери ости бириктирувчи тўқималарида учрайди. Шишлар паст қатламдаги мушакларга, ҳалқум, ҳикилдўк, бош лимфа тугунларининг шакланмаган бириктирувчи тўқималарига тарқалади. Чала шишлар бошнинг бошқа қисмида, оёқларда учрайди. Шиш ҳосил бўлган бириктирувчи тўқимани кесганда қуюқ, клейсимон экссудат билан инфильтрацияланганлиги, таркибий қисмларида қон қуйилишлар борлиги кўринади. Буйракларнинг ёғли капсуласида ҳам шишлар ва шилимшиқ дистрофиялар учрайди.

Пастереллезнинг яна бир характерли шакли геморрагик диатездир, нуктали, доғли чизикли қон қуйилишлар кекирдик, бронхлар, ширдон, ингичка, йўғон ичаклар, сийдик пуфаги шиллик пардаларида, плевра остида, ошқозон ичакларнинг сероз пардаларида, буйраклар, жигар, талок юзасида, эпикардда, миокардда, эндокард остида, жағ ости, ҳалқум олди, бронхиал, ўпка ораллигидаги, юзаки ва бошқа лимфа тугунларида учрайди. Кўкрак ва қорин бўшлиқларида, перикардда сариқ лимон рангли суюқлик тўпланади, унинг миқдори жойига қараб 0,5, 2,0, литрга етади. Шунингдек, ширдон ва ичакларда катарал геморрагик яллиғланишлар кўринади.

Диплококкоз қишлоқ хўжалиқ ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллигидир (қўзгатувчиси *Diplococcus lanceolatum*). Касаллик йилнинг ҳамма фаслларида, айниқса қиш ва баҳор ойларида кўпроқ учрайди, ўпка ва ичакларни яллиғлантиради, сепсис, артрит келтириб чиқаради, лимфа тизимини жароҳатлайди, 70-75 % ўлим билан тугайди. Ёш ҳайвонларда ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир шаклларда кечиби, уларнинг ўлимига сабаб бўлади. Катта ёшли ҳайвонларда асосан сурункали, баъзан ўткир шаклда кечиби, эндометрит, аборт, артрит, мастит касалликларининг ривожланишига олиб келади. Касалланган ҳайвонларда тана ҳароратининг $41-42^{\circ}\text{C}$ гача ошиши, нафас олиш кийинлашуви, ҳолсизланиш, бурундан кўпикли ва қонли суюқлик оқиши кузатилади. Ярим

ўткир ва сурункали шаклларда ушбу белгиларда артрит, йўтал ва ич кетиш кўшилади. Ўз вақтида ветеринария ёрдами кўрсатилмаса, касалланган хайвонлар нобуд бўлади.

Патологоанатомик ўзгаришлар. Пастереллёз ва диплококкоз касаллиги билан касалланиб ўлган хайвонни ёриб кўрганда ингичка ичакнинг, баъзан ширдоннинг шилимшиқ пардасида, туткичларида, корин пардасида эпикард ва эндокард остида анчагина нуктали ҳамда майда доғли қон қуйилишлар кўринади. Шунингдек, бурун, томок, кекирданинг шиллик пардаларида ўткир гиперемия, ўпкада кучли гиперемия ва шиш кузатилади.

Инфекция кўпинча ошқозон ичакларни шикастлантирган пайтларда корин бўшлиғида кўп микдорда геморрагик экссудат тўпланади: талок кескин катталашади (2-3 баробар) ва резинасимон бўлади, четлари қалинлашган ва капсуласи остида нуктали чизикли қон қуйилишлар кўринади, жигар буккан, қонга тўлган, буйракларнинг капсуласи остида анчагина нуктали майда қон қуйилишлар мавжуд. Ширдон ва ингичка шиллик пардалари кучли гиперемиялашган, сероз шиш ҳолатида, кўп нуктали ва майда доғли қон қуйилишлар кўринади.

Салмонеллёз. Касаллик ўткир ва сурункали оқимларда ўтади, ўткир оқимда талок катталашган, қонга тўлган, сероз қатламларида қон қуйилишлар кўринади. Ингичка ичакда сероз-катарал яллиғланиш содир бўлиб, кейинчалик геморрагик шаклга ўтади. Жигар буккан, юзасида ва кесиб қараганда, кўпгина майда кулранг-сарик рангли тугунчалар учрайди. Сурункали кечганда кўпинча ўпка шикастланади. Унда сероз-катарал бронхопневмония топилади, кўпинча юқори ва баъзан ўрта бўлақлари шикастланади, кейинчалик сероз- катарал бронхопневмония асосида некротик ўчоқли крупоз пневмония ривожланади.

Мезентериал лимфа тугунлари катталашган, нам баъзан қон қуйилишларга бой, талок касалликнинг ўткир пайтларида катталашган, пульпаси қорамтир-қизил рангда, фолликулалари билинмайди. Бу ҳолат ўткир шаклга айланиб, кўплаб оқчил-кулранг тугунчалар кўринади.

Ташхис. ҳарактерли патологоанатомик ва гистологик ўзгаришларга асосланади. Айниқса, жигарда ва бошқа органларда тугунчаларининг топилишига ахамият берилади, салмонеллезни диплококк септицемиясидан фарқ қилиш керак. Бактериологик текшириш яқунловчи диагноз ҳисобланади.

Даволаш. Пастереллёз, колибактериоз, салмонеллёз ёки диплококкоз билан касалланган қўй ва қўзиларга мазкур касалликларга қарши гипериммун қон зардобидаволаш дозасида (1,5-2 мл/кг) юборилади ҳамда қуйидаги антибиотиклардан бири қўлланилади: энрофлоксин, пенстрим, стрептомицин, антибиотиклар (левотетросульфид, дибиомицин, дистрепомидазол, бициллин-3, нитокс ва ҳ.к.). Бунда сульфаниламидлар ва глюкоза, кофеин каби симптоматик воситалардан ҳам фойдаланилади. Гипериммун қон зардобиди қўллангандан 4-5 кун ўтгач, эмлаш ёшига етган барча хайвонлар юқорида номлари келтирилган вакциналар билан эмланади.

Пастереллёз, салмонеллёз, колибактериозларга қарши эмлаш учун қуйидаги биопрепаратлар йўриқномага асосан қўлланилади: Бузоқ, қўзи ва чўчка болаларининг пастереллёз, колибактериоз ва салмонеллёз касалликларига қарши поливалент радиовакцина (ВИТИ), тери остига биринчи марта 2 мл, иккинчи марта 14 кундан сўнг 3 мл микдорида асептик ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда қўллаш талаб этилади.

Қўзиларда диплококкоз касаллигини олдини олиш учун Ветеринария илмий-тадқиқот институтида яратилган қўй-қўзиларнинг диплококкоз касалликларига қарши ГОА формол вакцинадан фойдаланишни тавсия этамиз.

Олдини олиш чора-тадбирлари: Касалланган қўзиларга пастереллёз, салмонеллёз, колибактериозга қарши гипериммун қон зардобиди даволовчи 1,5 – 2 мл кг дозада юборилади ва антибиотиклар билан даволаш курси ўтказилади. Гипериммун қон зардобиди қўллангандан 4-5 кун ўтгач эмлаш ёшига етган барча хайвонлар юқорида номлари келтирилган касалликларга қарши эмланади.

Пастереллёз аниқланган ҳўжаликни (сурув) пастереллез бўйича носоглом деб эълон қилиниб, чеклаш қўйилади ва ушбулар тақиқланади:

- Носоглом ҳўжаликдан хайвонларни наслчиликда фойдаланиш учун олиб чиқиш.

- Хўжаликка пастереллэзга мойил хайвонларни олиб кириш.
- Хайвонларни гуруҳларга йиғиш, алмаштириш, тамғалаш ва хирургик операциялар ҳамда бошқа касалликларга қарши эмлаш.
- Мажбурий сўйилган хайвонлар гўштидан хўжаликда фойдаланиш.
- Носоғлом гуруҳ хайвонларини яйловларда боқиш ва уларни очик сўв хавзаларидан сугориш.

• Касал хайвонлар сутини зарарсизлантормасдан фойдаланиш тақиқланади. Сутни 90 °С ҳароратда 5 минут давомида пастеризация қилинади ва хайвонларни озиклантириш учун ишлатилади.

• Носоғлом хўжалик (сурув) биноларидан асбоб-анжомларни ва бошқа предметларни ҳамда дағал, ширали ва концентрат озикаларни олиб чиқиш.

• Касаллик аниқланган хайвонлар гуруҳи гўнгини далага олиб чиқиш (гўнгини алоҳида гўплаб, биотермик зарарсизлантирилади, гўнг шарбатига 0,5 л, 1 м³ ҳисобида таркибида 25 мг/л фаол хлор сакловчи хлорли оҳак эритмаси аралаштирилиб, 12–18 соат сакланади).

• Эпизоотик ўчоқни соғломлаштириш ва касалликни йўқотиш мақсадида ветеринария врачлари носоғлом сурувнинг барча хайвонларини клиник кўрикдан ва термометриядан ўтказадилар. Касал ва касалликка гумон қўйлар алоҳида бинога жойлаштирилиб, парваришловчи киши ва зарур бўлган инвентарь билан таъминланади. Молбоқар кийим, пойабзал, қўл ювгич, сочик, совун, дезэритмалар, медицина ёрдами аптекаси билан таъминланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, пастереллэз, колибактериоз, сальмонеллэз ва диплококкоз касалликларини олдини олиш мазкур касалликларга қарши вакциналар билан хўзилар ўз вақтида эмланса касалликнинг олди олинади.

УЎК: 636.933.2.338.1

ЧЎЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИДА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Э. Тангиров

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Summary

Disadvantages of active contracts between farms are learned in the article and proposals on they perfection are giver

Keywords: property, assets relations, contract, contractive relations

Қўйчилик тез суъратлар билан ривожланаётган, мамлакатимиз табиий яйловларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи ягона воситалардан бири сифатида чўл ва яримчўл минтақаларининг ривожланишида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга тармок ҳисобланади. Барча тоифадаги хўжаликларда 2010 йил 14432,6 минг бош қўй ва эчкилар мавжуд бўлган бўлса, 2013 йилга келиб 17128,8 минг бошга этди ёки 18,7 фоизга кўпайди. Шу даврда қўй ва эчкилар сони фермер хўжаликларида 1097,7 минг бошдан 1267,3 минг бошга, деҳқон хўжаликларида 11268,9 минг бошдан 14166,0 минг бошга кўпайган бўлса, қишлоқ хўжалик корхоналарида аксинча, 2066,0 минг бошдан 1695,5 минг бошгача ёки деярли 18,0 фоизга камайган.

Мамлакатимиз чўл ва яримчўл минтақалари яйлов чорвачилиги ва лалмикор деҳқончиликка ихтисослашган. Тармок республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришида иштрок этиб, уларни мунтазам равишда қуйидаги даражада етказиб беради: қорақўл териси 100 %, гўшт 18-20, қўй гўшти 45-47, жун 35-40, қўй териси 50-55, сут 10-12, ғалла-дон маҳсулотлари 15-20, пахта 10-12 ва ем-хашак 35-70%. Шулар билан биргаликда шифобахиш от ва туя сутлари, туя жун, барра гўшт, ширдон ҳамда чарим саноати учун қиммабаҳо йирик моллар териларни ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз ер майдонларининг (20,75 млн. га) деярли ярмини эгаллаган, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжаликлар ерларининг 91,9 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи ҳудуддир. Ўзбекистон